

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“Э ва ИЧАКТ” факултети

“Ахборот технологиялари” кафедраси

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан

Курс иши

Мавзу: Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва улардан информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда фойдаланиш.

Бажарди: 14-11 МИАТ гуруҳ талабаси

Лазиз Саъдиев

Қабул қилди:

Соҳибов Т.

Бухоро – 2016 й.

Мундарижа

Кириш

I. Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва улардан информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда фойдаланиш.

- 1.1. Дидактиканинг предмети ва вазифалари.
- 1.2. Таълим жараёнида дидактик принциплар муаммоси.
- 1.3. Дидактиканинг асосий категориялари.
- 1.4. Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари.
- 1.5. Информатикани ўқитишда дидактик тамойиллар.

II. «Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва улардан информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда фойдаланиш» мавзуси таълим технологияси.

- 2.1. Таълим технологияси модели.
- 2.2. Технологик харита.
- 2.3. Ўқув-визуал материаллар.
- 2.4. Топшириқлар.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Таълим тизимли билим олишнинг энг муҳим ва ишончли усулидир. Таълимга икки томонлама алоқа (таълим олиш ва таълим бериш), шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва бошқа хусусиятлар ҳосилдир. Таълим, шунингдек, узига хос хусусиятлар ҳам эга. Таълим уқитувчи томонидан бошқарилувчи узига хос англаш жараёнидир. Уқитувчининг йуналтирувчи сифатидаги роли уқувчиларнинг аклий ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришни таъминловчи билим, қуникма ва малакаларни тулик узлаштира олишларида қуринади.

Таълим уқитувчининг уқувчилар билан мулоқоти жараёни ҳам саналади. У уқувчиларга уқув материали мазмунини тушунтириб беради, савол ва топшириқлар беради, уларнинг фаолиятини назорат қилади, хато ва камчиликларини аниқлайди, йул қуйилган хатоларни тугрилайди, қандай ишлаш лозимлигини қайта қурсатади. Ҳар қандай таълим узида уқитувчи ва уқувчининг фаолияти, яъни, уқитувчининг ургатиш ҳамда уқувчининг урганишга йуналтирилган фаолияти, бошқача айтганда тугридан тугри, бевосита ва нисбий муносабат акс этади.

Таълим жараёнида уқитувчи ва уқувчи уртасида узаро мулоқат юзага келади. “Мулоқот” тушунчаси “таълим” тушунчасидан қура кенг маънога эга.

Таълим уқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларнинг билиш қобилиятларини устириш, уларда амалий қуникма ва малакалар, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришга йуналтирилган жараёндр.

Таълим ва таълим жараёни (дидактик жараён) синоним тушунчалар эмас. Жараён бу яхлит педагогик ҳодиса, педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида таълим тизимининг муайян ҳолатини узгартириш ҳисобланади. Жараён моҳиятини В.П.Беспалько томонидан тақлиф этилган қуйидаги формула асосида тулақонли англаш мумкин:

ДЖ к М к УфкБ

Бу ерда; ДЖ – дидактик жараён;

М – уқувчиларнинг уқиш (таълим олиш) мотивацияси;

Уф – уқувчиларнинг узлаштириш фаолияти;

Б – уқувчиларнинг билиш фаолиятларини бошқариш.

Таълим жараёни педагогик жараённинг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиш, билим, қуникма ва малака - ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назарияси баъзан «дидактика» тушунчаси билан ҳам ифодаланади. Шу сабабли биз ушбу курс ишимизда «Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва улардан информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда фойдаланиш» мавзуси доирасида дидактик тамойиллар ҳақидаги маълумотларни келтирамыз.

I. Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва улардан информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда фойдаланиш.

1.1. Дидактиканинг предмети ва вазифалари

Ўқитиш тамойиллари – ўқитиш назариясининг бошланғич қодалари бўлиб, ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этишда уларга амал қилиши керак.

Таълим жараёни педагогик жараёнининг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиш, билим, кўникма ва малака - ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назарияси баъзан «дидактика» тушунчаси билан ҳам ифодаланади.

Дидактика – грекча *didaskien* сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўргатаман маъноларини англатади. Шунга кўра дидактика – таълим усуллари деган маънони билдириб, яъни ўқитиш демакдир. У ўқитиш назариясидир. Дидактика ўқитиш жараёнининг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади.

Дидактиканинг предмети – таълим-тарбия муассасаси шароитда ўқитувчининг раҳбарлиги остида амалга ошадиган ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, ҳар хил типдаги таълим-тарбия муассасаларида у ёки бу даражада бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

Дидактика - педагогиканинг таълим ва ўқитиш назариясини ишлаб чиқадиган тармоғидир.

Дидактиканинг ўрганиш объекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шакллари дидир.

Яқин ва Ўрта Шарқда Хоразмий, Киндий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём каби мутафаккирлар илмий дидактика асосчиларидирлар. Амос Коменский, швейцариялик педагог И.Г.Песталоцци, немис педагоги А. Дистервеглар Европада дидактиканинг ривожланишига ката ҳисса қўшганлар.

Хоразмий, Киндий, Форобий, Беруний, Ибн Сино. Умар Хайём, Тусий ва уларнинг издошлари қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборат эдики, мазкур олимлар доимо предметнинг қиёфаси инсон онгида мавҳумлашуви жараёнига, мана шу предметнинг моҳияти ва ўзига хослигини тушуниш содир бўлиши ҳамда шаклланишига эътибор берганлар. Улар билишнинг предмети ва манбаларига, билиш жараёни қандай босқичлардан таркиб топишига, билиш фаолияти билан амалий фаолият ўртасидаги муносабатларга қизиққанлар.

Хоразмий шахснинг узлуксиз камол топиши назариясини ривожлантириш борасида муҳим хизмат қилди, индуктив ва дедуктив тафаккурдаги алоҳидалик ҳамда умумийликнинг бирлиги принципини муайянлаштирди.

Форобий ўқитиш методларининг таснифини ишлаб чиққан. Уларни амалий ва назарий методларга ажратган, шу тариқа ўқитишнинг амалий йўналиши ва кишиларнинг ҳаёти ҳамда кундалик фаолияти билан боғлиқлик ғояларини илгари сурган. Олим ўқитишнинг тажриба- кўрсатмали, индуктив ва дедуктив, амалий методларига алоҳида эътибор берган. Барча методларни ўқувчининг

ҳаётий тажрибасига, мантиқий тафаккурига таянган ҳолда бирлаштирган. Форобий математика фани мисоллари асосида ўқитишнинг илмий кўрсатмалilik, тушунарлик ва изчиллик принципларини ишлаб чиққан. Билиш жараёнининг ва фандаги билим шакллариининг моҳиятини ёритган. Унинг фикрича ана шу жараёнлар қонунлар сифатида шаклланади ва уларга риоя қилиш фикрлашни такомиллаштиради ҳамда мураккаб билиш жараёнида қўпол хатоларнинг олдин олади.

Форобий билиш фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича ҳам анчагина муфассал тавсияларни ишлаб чиққан. Унинг ёзишича, яхши назарийчи бўлиш учун назария қайси фанга тааллуқли бўлсада, қуйидаги учта шартга риоя қилиш шарт:

1. Мазкур фан асосидаги ҳамма принципларни тўлиқ билиш;
2. Мана шу принциплардан ва мазкур фанга доир маълумотлардан тегишли хулосалар чиқара билиш;
3. Нотўғри назарияни рад эта билиш ва ҳақиқатни ёлғондан фарқлаш, хатоларни тўғрилаш учун бошқа муаллифларнинг фикрларини таҳлил қила билиш.

Ибн Синонинг билим орқали эришиладиган натижалар ҳақидаги таълимоти ўқитиш назариясида алоҳида ўрин эгаллади. Унинг фикрича, буюмларни чинакам билишга ташки кўринишини таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш асосида ақл билан эришилади.

Абдулла Авлоний ўзининг барча тадқиқотларида илм муаммосини биринчи ўринга қўйган. Авлоний илм тарбия жараёнида ўзлаштиради ва у яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузликдан, жоизни ножоиздан фарқлаш имконини беради, деб ҳисоблайди. Хусусан, у тарбия билан таълимнинг бирлиги муаммосини ишлаб чиққан. Гарчи Авлоний таълим билан тарбия ўртасида озгина фарқ борлигини айтган бўлса ҳам, улар тана ва жон каби бир-бирига чамбарчас боғлиқдир дейди.

Дидактика тушунчасини Я. Коменский ҳам ана шу йўсинда шарҳлаган. Унинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари 1657 йилда нашр этилган "Ҳаммага ҳамма нарсани ўргатишнинг универсал санъати ифодаланган буюк дидактика" номли асарида баён килинган. Лекин Коменский дидактика фақат ўқитиш санъатидангина эмас, балки тарбиялаш санъатидан ҳам иборатлигини қайд қилган ва тарбия ҳар томонлама ахлоқийлик йуналишидаги феъл-атвори шакллантиришнинг зарур шарти эканлигини ҳам уқтирган.

Дидактикани юқоридагича тушуниш XIX аср бошигача, яъни таниқли немис педагоги ва файласуфи Иоганн Генрих Гербарт дидактиканинг асосий назариясини ишлаб чиққунича давом этган. Бинобарин дидактикани педагогикага бўйсинадиган тарбияловчи таълимнинг яхлит ва зиддиятсиз назарияси сифатида талқин этади.

Гербарт ва хусусан унинг издошлари ана шу назариянинг ролини ҳисобга олиб дидактиканинг асосий вазифасини - дарсда баён қилинадиган материал эканлигини рад этдилар. Гербарт концепциясига мувофиқ ўқитувчи асосан ўқувчиларни янги ўқув материални ўзлаштиришга доир ҳаракатларини таҳлил

Қилиши лозим эди.

Бугунги кунда фан ва техника шундай тезликда тараққий топмокдаки, мактаб таълими билан уларнинг кетидан кувиб етиш мумкин эмас. Лекин мактабни битирган ёшлар албатта ўзлари билмайдиган илмий кашфиётларга, жамиятни ривожлантиришнинг бозор иқтисодиётига асосланган янги тизимга дуч келадилар. Лозим даражадаги ақлга, иродага ва ҳиссиётга эга бўлган кишиларгина нотаниш маълумотларни тезроқ ўзлаштириб олиши мумкин.

1.2. Таълим жараёнида дидактик принциплар муаммоси

Ўқувчиларни камол топтиришда оптимал натижалар берадиган ўқитиш жараёнининг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилди. Ўқувчиларнинг камол топиши таълим жараёнида амалга ошиши сабабли билим ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган дидактик принциплар маълум натижаларни беради. Лекин вазифа қандайдир натижаларга эришишдан эмас, балки ўқувчиларни камол топтириш учун ўқитишнинг энг юқори самарадорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун эса, ўқув жараёнининг қурилишини ишлаб чиқиш керак. Дидактикада тарбияловчи дунёқарашни шакллантириш масалалари кўрилади, таълим жараёнида ўқувчиларда мустақилликни, ташаббускорликни ва шахснинг бошқа айрим сифатларни тарбиялаш вазифалари таҳлил қилинади. Мана шундай муҳим масалаларнинг кўриб чиқилиши таълим жараёнида таълим-тарбиянинг бирлигини таъминлашга хизмат қилади. Таълим жараёнида дидактик принциплар муаммоси жаҳон педагогларининг ҳамма даврларда диққат эътиборида бўлган. Бу борада мутахассислар эришган ютуқлар билан бирга, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирга қадар таълим принциплари тизимининг илмий асослари мукамал ишлаб чиқилмаган. Таълим принциплари бошқа дидактик категориялар каби, педагогика фанининг замонавий ривожланиш даражаси ва ёш авлодни тарбиялаш сифати талабларига кўра аниқлаштирилишига муҳтожлиги сезилмокда. Педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, таълим принциплари ижтимоий ҳаёт ўзгариши, педагогика фанининг ривожланиши билан ўзгариб туради. Айрим дидактик принциплар ўрнига янги дидактик принциплар келади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир таълим принциплари у ёки бу мутахассис олим томонидан таълим принциплари қаторига киритилган. Масалан, А.Коменский томонидан таълимда табиий мослик, кўргазмалилик, таълимда кетма-кетликлар, К.В.Елницкий томонидан таълимда онглилик, Скворцова томонидан таълимда яқка ҳолда ўқитиш принципи, И.А.Лашкарёва томонидан таълимда предметлараро алоқадорлик, С.М.Михайлов томонидан таълимда тарихийлик, М.И.Махмутов томонидан таълимда муаммолилик принципи, В.Окань томонидан таълимда самарадорлик, Ю.К.Бабанский томонидан таълимда оптималлаштириш, С.МРиверс томонидан таълимда фаоллик, мослик, Е.Н.Мединский томонидан таълимда ўқитувчининг роли, С.Ражабов томонидан таълим ва тарбия бирлиги. И.Т.Огородников томонидан илмийлик, М. А. Данила в томонидан ғоявийлик, тарихийлик принциплари тақлиф этилган.

А. Коменскийнинг дидактик таълимотини таҳлил қиладиган бўлсак, у

қуйидаги дидактик принциплар тизимига навбатдаги принципларни киритган:

- таълимда онглилик ва фаоллик;
- таълимда системалилик;
- таълимда табиий мослик;
- таълимда пухта ўқитиш;
- таълимда кетма-кетлик;
- ўқитишда кургазмалилик;
- ўқитишда таклид қилиш.

XX асрнинг 20-йилларида рус педагог назариячилари Ш.И.Гонелин, А.П.Пинкевичлар ўз асарларида дидактик принциплар ахамияти ва уларнинг турлари, дидактик принциплар тизими борасида ўз фикрларини билдирганлар.

А.П.Пинкевич яратган дидактик принциплари тизимида қуйидаги принциплар ўрин олган:

- таълимнинг ҳаёт билан боғлиқлиги;
- ўқув жараёнининг ижодий тусда бўлиши;
- таълимда мустақиллик

XX асрнинг 30-йилларда педагогика фани назариячилари ва амалиётчилари олдида асосий вазифа - ўқувчиларни фан асосларидан билимларни пухта эгаллашини таъминлаш вазифаси турган.

Шунга асосланиб Е.М.Мединский қуйидаги таълим принциплари мажмуасини илгари сурган:

- таълимда тизимлилик;
- таълимда онглилик;
- таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги;
- таълимнинг тарбияловчилиги;
- таълимда ўқитувчининг етакчилик роли;
- таълимда техника принципи.

Н.Г.Казанский таълимда онглилик, кўрсатмалилик, кетма-кетлик принциплари ахамиятини ёритиб берган. Бошқалардан фарқли ўлароқ, С.М.Михайлов қуйидаги таълим принциплари тизимини таълим жараёнининг асосий дидактик принциплари деб таъкидлаган:

- таълимда кўргазмалилик принципи;
- таълимда тарихийлик принципи;
- таълимда ўрганиш принципи;
- ўрганилаётган объектни бошқа объектлар билан алоқасини ўрнатиш принципи;

- объектлар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш принципи

Республикада фаолият кўрсатган ва кўрсатиб келаётган дидакшунос олимлар С.Ражабов, А.Мунавваров, И.Турсунов, О.Розиқовлар таҳрири остида чоп этилган дарслик ва методик қўлланмаларда қуйидаги таълим принциплари асосийдир деб таъкидланади:

- таълимда илмийлик принципи,
- таълим ва тарбиянинг алоқадорлиги принципи,

- таълимда тизимлилик принципи,
- кўрғазмалилик, таълимда мослик, назарияни амалиёт билан боғлиқлиги принципи,
- таълимда пухта ўзлаштириш принципи,
- онглилик принципи,
- фаоллик ва таълимда якка ҳолда ўқитиш принципи.

1.3. Дидактиканинг асосий категориялари

Ўқитиш назарияси билимлар, маълумотлар ва фактларнинг катта захирасига эга бўлиб, уларнинг бир қисми тизимлаштирилган ва тартибга солинган.

Ўқитиш жараёнининг структуравий компонентлари - мақсадли рағбатлантириш-мотивлаштириш, мазмуний ҳаракат-фаолият, ўқитишнинг шакл ва методларидан ажратилиши алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу компонентларнинг ажратилгани ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти қонуниятларининг табиатини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Педагогик ечимларни танлаш назарияси ишлаб чиқишнинг методологик асоси - ўқитиш жараёнининг мавжуд барча қонуниятларини ҳисобга олиш фикри билан мунтазам алоқада бўлади. Бошқача айтганда, ўқитиш жараёнининг мавжуд ҳамма қонуниятларини албатта комплекс ҳолда ҳисобга олиш билангина таълим масалаларини тўғри хал қилиш мумкин.

Педагогик ва психологик шарт-шароитларини аниқлаш асосида ўқитишнинг оптималлиги мезонларининг асослари таркиб топтирилган ва уларнинг энг аҳамиятлилари қуйидагилардан иборатдир:

- Ўқитиш оптимал бўлиши учун ҳар бир ўқувчи ўзининг ҳақиқий ўқиш имкониятларига мувофиқ даражада ўзлаштириши, тарбияланиши ва камол топиши шарт;
- Ўқитиш оптимал бўлиши учун ўқувчилар ва ўқитувчилар дарсдаги ва уйдаги ишлар вақтининг ўзлари учун гигиеник жихатдан белгиланган нормасига эга бўлиши керак.

Ишни режалаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- ўқитиш мазмунининг қўйилган вазифаларини энг муваффақиятли хал қилиниши таъминлайдиган оптимал вариантни танлаш;
- ўқитишнинг қўйилган вазифаларини белгиланган вақт ичида муваффақиятли хал қилишни таъминлайдиган методлари ва воситаларини танлаш;
- масалаларни муваффақиятли хал қилиниши, шу жумладан ўқувчиларга табақли ёндашишни таъминлайдиган ташкилий шакллари танлаш.

Ҳозирги пайтда таълимнинг муҳим жихатлари, масалан, таълим мазмунини ишлаб чиқиш ва танлаш, муаммоли-камол топтирувчи ўқитиш, ўқувчиларнинг ўқишини фаоллаштириш, ўқитиш методлари ва уларнинг таркибий қисмлари; ўқувчилар ўқув-билим фаолиятининг методлари; ўқув материални ташкил қилиш ва тизимга солиш ва бошқалар жадал ўрганилмокда.

Таълим мазмунининг ишлаб чиқилган назариясида қуйидаги муҳим қоидалар талқин этилган:

- Таълим мазмунида жамиятнинг маънавий ва моддий элементлар, жумладан: табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимлар, ижодий фаолият тажрибаси, инсоннинг муносабатлари, бошқариш фаолияти, ҳулки ва ҳаёти ифодаланиши лозим;

- Таълимнинг мазмуни умумий, политехник ва касбкор компонентларининг бирлигини акс эттириши керак;

- Таълимнинг мазмуни муайян ёшга қаратилади ва жамиятнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқади.

Таълим ривожланишининг ҳозирги босқичида таълимни компьютерлаштириш масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқувчиларни замонавий компьютер техникасидан фойдаланишга доир билим ва малакалар билан қуроллан тириш, ўқув жараёнида компьютерларнинг кенг қўллаишини таъминлаш жамиятда бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Педагогика фани таълим муассасаларининг юмпьютерлардан фойдаланишдаги тажрибаларини ўрганиши ва умумлаштириши, ялпи компьютерлик саводхонлигига жавоб берадиган ягона дастурлаштирилган умумтаълимий курсини яратиш; дастурлашни ўргатиш бошланадиган муддатни ва курснинг ҳажмини белгилаши, таълим муассасаларида ўрганиладиган алгоритм тилини танлаши, таълимни компьютер базасидан фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиши ва бошқа вазифаларни амалга ошириши керак.

Таълим назариясидан муаммоли-камол топтирувчи ўқитишни жорий этиш, шунингдек, ўқув жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш йўллариини излаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Муаммоли-камол топтирувчи ўқитишнинг назарияда ишлаб чиқилган асосий ғояларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- Таълимий билишни илмий билишга мувофиқ моделлаштириш ғояси, яъни муаммоли вазиятни вужудга келтириш-гипотезани олға суриш-гипотезани асослаш - гипотезани ҳал қилиш-уни тасдиқлаш ёки рад этишдек зарур звеноларни ўз ичиги олган муаммоли ўқитиш;

- Ўқувчиларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятларини ривожлантириш, уларда тадқиқотчилик йўсинидаги кўникма ва малакаларни ўстириш ғояси.

Муаммоли ўқитиш назариясида қатор қонуниятлар ифодаланадн ва этепериментал йўл билан асосландики, улардан муаммоли даре ўтиш билан муаммоли ўргатишнинг бирлиги ва бир-бирини тақозо этиши, ўқувчиларнинг тайёрлиги даражаси билан муаммоли ўргатиш даражасинингмувофиқлиги каби қонуниятларни ажратиш мумкин.

Дидактикада ишлаб чиқилган ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш назарияси муаммоли - камол топтирувчи ўқитиш назариясига жуда яқиндир.

Ишлаб чиқилган фаоллик назарияси ўқув жараёнида билимларни ўзлаштириш, уларни қайта ишлаш ва қўллашнинг (муаамоли ва репродуктив) усулларни ўрганиш бўйича ташкил этиладиган ўзини-ўзи бошқарадиган

фаолликдан иборатдир.

Юқорида айтилганидек дидактика "ўқитиш" ва "ўқиш" каби бошқа тушунчалар билан ўзаро боғлиқ таълим назариясидир. Ўқиш мақсад, мазмун ва ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, улар ёрдамида ўқувчилар маълум билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштирадилар, ўқиш ўқувчининг фаоллиги натижасида ривожланади, характер касб этади, у турли шаклларда амалга оширилиши мумкин, билишга таянади ҳамда индивидуал тажрибага шахснинг ҳулкида ўзгаришни вужудга келтиради.

Таълим жараёни мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Расмийлашган тизим сифатидаги таълим назарияси умуман ана шу жараённи, унинг таркибий қисмларини ва уларнинг компонентларини ёритади, тушунчалар, мазмун ёрдамида ана шу яхлит жараённинг мавжудлиги сабабини ёки усулларини баён қилади.

"Ўқув жараёни" тушунчаси таълимнинг барча компонентларини ўқитиш ва унда фойдаланиладиган воситаларни ҳам, муайян вазифаларни ҳал қилиш учун таълимнинг методларини ҳам, уйда мустақил ишлайдиган ўқувчини ҳам, ўқув жараёнини кўргазмалар ва техник воситалар билан жиҳозлашни ўз ичига олади.

Шунинг натижасида таълимнинг қуйидаги қонуниятлари ёритилади:

- Таълим жараёни қонуний равишда ижтимоий жараёнлардан ва жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан;
- Таълим жараёни яхлит педагогик жараёнга кирадиган ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш жараёнлари билан қонуний равишда боғлиқдир;
- Таълим қонуний равишда таълим олувчиларнинг ақиқий ўқув имкониятларига боғлиқдир;
- Таълим қонуний равишда ўзи амалга ошириладиган ташқи шароитларига боғлиқдир;
- Ўқитиш ва ўқиш жараёнлари яхлит таълим жараёнларида қонуний равишда ўзаро боғлиқдир;
- Ўқув фаолиятини кучайтириш, ташкил этиш ва назорат қилиш қонуний равишда таълимнинг вазифалари ва мазмунига боғлиқдир;
- Таълимнинг ташкилий шакллари қонуний равишда унинг вазифаларига, мазмуни ва методларига боғлиқдир;
- Тегишли шароитларда ўқув жараёнининг барча компонентларининг қонуний равишда ўзаро боғланиши таълимнинг пухта анланган ва амалий натижаларни таъминлайди.

Таълим қонуниятларини педагогиканинг умумий асосларида ифодаланган қонуниятлар билан ўзаро таққосласак, улар ўртасидаги боғланиш яққол кўринади. Таълимнинг қатор қонуниятлари мантиқан педагогик жараёнларнинг умумий қонуниятларидан келиб чиқади. Таълим принциплари билан қонуниятлари ҳам ўзаро боғлиқдир.

1.4. Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари.

Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўпланган ижтимоий билим ва тажрибани ёш авлодга етказиш, авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни маълум тизим орқали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади. Албатта, авлоддан-

авлодга ўтиб борган сари ижтимоий тажриба ҳажми, демак билимлар ҳажми ҳам ортиб боради. Фан ва техниканинг ривожини ҳам илмий билимларнинг ҳажмига ва характериға таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида таълим тизимида ўз аксини топади.

Ўсиб келаётган ёш авлод таълим жараёнида:

1. Зарур билимлар билан қуроллантирилади;
2. Керакли кўникмаларға эға бўлади;
3. Малакалар ҳосил қилади.

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришдир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожини учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми, ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларға берилиши керак бўлган билимлар, малака ва кўникмалар ҳажминини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобға олиш керак деган масалаларни ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажминини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиш муддатини аниқлаш энг муҳим масалалардан бири. Таълим жараёнида бирор фан соҳасидаги инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар-фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги фанларнинг тармоқлари вужудға келмоқдаки улар таълим ҳажминини бениҳоя кенгайтишиға сабаб бўлмоқда.

Таълим жараёнида ўқувчиларни билим ва малакаларни ўзлаштиришларини юқори суръатига эришиш мақсадида дидактик принциплар қўлланилади.

Дидактиканинг принциплари - комил инсонни тарбиялашда ўқиш ва ўқитиш жараёнининг хусусиятлари, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, эгалланиши лозим деб топилган малака ва кўникмаларни ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади. Шу билан бирға дидактика принциплари ҳар иккала фаолиятни, яъни ўқитувчи ва ўқувчи томонидан ўз олдиға қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалға ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради. Демак, ўқитиш принциплари таълимнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим жараёнида дидактик принциплар муаммоси жаҳон педагогларининг ҳамма даврларда диққат эътиборида бўлган. Бу борада мутахассислар бирқанча ютуқларға эришишган. Аммо, шундай бўлсада, ҳозирға қадар таълим принциплари тизимининг илмий асослари мукамал ишлаб чиқилмаган. Педагогика соҳаси мутахассисларининг таҳлили ва фикриға кўра, таълим принциплари ижтимоий ҳаёт ўзгариши, педагогика фанининг ривожланиши билан ўзгариб туради. Айрим дидактик принциплар ўрниға янги дидактик принциплар келар экан.

Республикамизда фаолият кўрсатган ва кўрсатиб келаётган дидакшунос олимлар С.Ражабов, А.Мунавваров, И.Турсунов, О.Розиковлар таҳрири остида

чоп этилган дарслик ва методик қўлланмаларда қуйидаги таълим принциплари асосийдир деб таъкидланади:

- таълимда илмийлик принципи.
- таълим ва тарбиянинг алоқадорлиги принципи.
- таълимда тизимлилик принципи.
- кўргазмалилик, таълимда мослик, назарияни амалиёт билан боғлиқлиги принципи.
- таълимда пухта ўзлаштириш принципи,
- онглилик принципи,
- фаоллик ва таълимда якка ҳолда ўқитиш принципи.

1.5. Информатикани ўқитишда дидактик тамойиллар.

Дидактик тизим бу ҳар бир ўқувчининг билиш фаолиятини бошқариш методикаси ва воситаларнинг мажмуасидир. Таълим муассасаларида ўқитиладиган ҳар бир предмет ўзининг дидактик тизимига эга бўлиб, ўрганилаётган фан энг зарурий дидактик қоидаларни ҳисобга олади. Яъни, номаълумдан маълумга, енгилдан мураккабга томон ўрганилиб борилади. ТАТУ «Техник таълим педагогикаси» кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори Ф.М.Закирова фикрича информатика курсининг мазмуни ва тузилишини аниқлашда, шунингдек, уни ўқитиш жараёнида қуйидаги дидактик асосий тамойилларга риоя қилиш зарур:

- илмийлик;
- системали ва изчил баён қилиш.
- тушунарлилик;
- кўргазмалилик;
- назариянинг амалиёт билан боғланиши;
- фаоллик.
- билимларни мустаҳкам ўзлаштириш

Илмийлик. Илмийлик ўрганилаётган масалаларни юзаки қараш ёки унга оид маълумотлар сони билан эмас, балки масаланинг моҳиятига чуқур кириб бориш билан белгиланади. Ўқувчиларга етказилаётган барча билимлар, маълумотлар тўғри бўлиб, замонавий фан назариясига мувофиқ келиши лозим. Информатика – тез ривожланиб бораётган фан. Кейинги ўн йил ичида информатикада жуда кўп янги тушунчалар, янги назариялар пайдо бўлди, янги ЭҲМлар ва уларнинг қурилмалари яратилди. Шунинг учун ўқув курсининг мазмуни ва тузилиши доимо янгиланиб туриши керак. Информатика курси қанчалик элементар бўлмасин, у ҳар доимо илмий бўлиши лозим.

Прогрессив дидактик системалар амалиёти илмийлик тамойилини амалга оширишнинг бир қатор қоидаларини ишлаб чиқди.

- ўқувчиларни информатикадаги янгиликлар билан системали равишда хабардор қилиб бориш;
- замонавий илмий атамаларни қўллаш.
- ўқувчиларни кибернетика ва информатика соҳасидаги омилларнинг таржимаи ҳоли, уларнинг фан ривожига қўшган ҳиссалари билан таништириш

имкониятларидан кенг фойдаланиш (Н.Винер, А.Лебедев, П.Ершов, В.Қобулов ва бошқалар.)

Тарихий материал яхши эслаб қолинади. Демак, унинг ёрдамида информатиканинг ривожланиш тарихи, унинг асосий ғоя ва усулларини шакллантириш жараёнлари эслаб қолинади. Натижада информатика ўқувчилар кўз ўнгида қотиб қолган ва шаклланиб бўлган фан сифатида эмас, балки динамикада ижодий яратувчанлик жараёнида намоён бўлади. Фан тарихи унинг ҳаракатлантирувчи кучини кўриш, илмий билим ва инсоннинг амалий фаолияти бир-бирига боғлиқлиги ва ўзаро ҳаракатда кузатиш имконини беради. Бу эса ўқувчиларда диалектика – материалистик дунёқарашни ва илмий тафаккурни шакллантиришга ёрдам беради.

Информатика машғулотларида тарихий материаллардан фойдаланишнинг бир неча турларини келтириб ўтамиз:

1. Информатика тарихига эпизодик экскурсия. Масалан, «ЭХМ авлодлари» мавзусини ўтганда ўқитувчи Ўзбекистондаги «алгоритм» заводида ЭХМнинг 4-авлодини йиғиш тарихи ҳақида ўқувчиларга гапириб бериши фойдадан холи бўлмайди.

2. Академиклар В.Қобулов, Ф.Абуталиев, М.Комилов, профессор М.Зиёхўжаев, М.Арипов, М.Бегалов ва А.Абдуқодировлар мисолида Ватанимиздаги кибернетика ва информатика соҳасига катта хизмат қилган олимларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар бериб бориш.

3. Маълум даврларда олинган, кашф қилинган тарихий натижалар шарҳи (компьютерларнинг янги турини пайдо бўлиши, у ёки бу дастурлаш атамасининг пайдо бўлиши ва бошқалар). Масалан, бирор дастурлаш тилини ўрганишда аёл Ада Лавлейс ҳақида сўзлаб бериш мумкин.

4. Маълум бир тарихий мавзуни ўрганиш. Масалан, саноқ системалари тарихини ўрганиш (қадимий бобилликлардан то ЭХМ ларгача).

5. Буюк олимлар ва алломаларнинг (мутафаккирларнинг) кибернетика, информатика ва дастурлаш ҳақидаги сўзлари. Ўқувчиларда ватанпарварлик хислатларини шакллантириш мақсадида ўқувчиларни қадимий Шарқдаги ал-Хоразмий, Беруний каби буюк олимларнинг илмий ишлари ҳақидаги материаллар билан таништириб бориш ниҳоятда фойдалидир.

Системали ва изчил баён қилиш. Мавзуни илмий баён қилиш масаласи билан узвий боғлиқликда турган масала – бу мавзуни системали ва изчил баён қилишдир. Информатика ўқув предмети бир-бирига боғлиқ бўлмаган фактлар ва таърифлар йиғиндисидан эмас, балки ўқувчилар олдида аниқ кетма-кетликда очиб бериладиган билимлар мажмуасидан иборат бўлиши лозим. Ушбу тамойил амалиётда қуйидаги асосий қоидалар ёрдамида амалга оширилади:

1. Информатика курсининг турли мавзуларининг ўзаро алоқаларини кўрсатувчи схемалар, планлар, кластерлардан фойдаланиш.

2. Олдин ўзлаштирилганларни такрорлаш ва такомиллаштириш.

3. Олдинги ўтилган материални шу даражада эсга олиш лозимки, у янги материални тушунтириш учун етарли бўлсин.

4. Янги материални тушунтиришда у билан енгил, содда ва табиий алоқада бўладиган маълумотлардан бошқа маълумотларнигина қўшиш лозим.

5. Ўқувчиларнинг ўз фикрини баён қилиш усул ва шаклларини доимо кузатиб бориш.

6. Ҳар бир бўлим сўнгида умумлаштирувчи ва системалаштирувчи дарсларни ўтказиш.

Тушунарлилик. Тушунарлилик тамойили кўп йиллик ўқитиш амалиёти томонидан ишлаб чиқилган талаблардан келиб чиқади. Ҳар ҳил илмий материални баён қилишда ўқувчининг ёши, ривожланиши ва мавжуд вақт бюджети қатъий ҳисобга олинishi лозим. Ўқувчига таълимнинг ҳар бир босқичда шундай ва шунга ўхшаган материал берилиши керакки, у ўзининг ривожланиши даражасига кўра ушбу материални қамраб олиши ва ўзлаштириши мумкин бўлсин. Ҳар бир босқичдаги саволлар доираси қатъий чегараланган бўлиши шарт.

Кўрғазмалилик. Кўрғазмалилик тамойили бошқа фанларни ўқитишдаги каби, информатикани ўқитиш жараёнида ҳам асосий ва муҳим ҳисобланади. Ушбу тамойил қадим замонлардан бери қўлланиб келинаётган машҳур ўқитиш тамойилларидан биридир.

Ушбу тамойил шундай заруратни келтириб чиқарадики, унга кўра ўқувчилар миясида ҳосил бўладиган тасаввурлар ва тушунчалар бевосита ўрганилаётган предмет, масалан, компьютердан олинадиган идрокига асосланган бўлиши лозим.

Ўқитувчининг баёни, унинг тушунтириши аниқ, равшан образларни ўз ичига олиши, ўрганилаётган саволларнинг моҳиятини кўрғазмали тасвирловчи ишончли мисоллар билан мустақкамлаб борилиши керак. Мавзунинг баёни доскадаги ва ўқувчилар дафтаридаги ёзувлар билан биргаликда олиб борилади. Доскада ёзув ва расмларни ўқитувчи тушунтираётган пайтда, ўқувчилар эса доска олдида жавоб бераётганда бажарилади. Доскадан фойдаланиш ўқитишдаги муҳим звенодир.

Масала ечишда, такрорлашда, ўқувчилардан сўрашда, ҳуллас, барча ҳолларда тўла кўрғазмалилик бўлиши лозим. Доскадаги расмлар билан бир қаторда ўқитишда кўрғазмалилик жадваллар, диапозитивлар, кинофильмлар, кодоскоплар, проекцион аппаратлар ва бошқалар билан намоиш этилади. Жадвалнинг роли икки хил бўлиши мумкин. Биринчидан, жадвалдан ўқитувчи дарс жараёнида, синф олдида мавзуни тушунтириш пайтида фойдаланиши мумкин. Бунда жадваллар ўқитувчининг баёнини ва ёзувларни тўлдириб боради. Иккинчидан, жадвалларни кўринадиган жойга узоқ муддат илиб қўйиш мумкин. Ўқитувчиларга диапозитивлар ва проекцион аппаратлар учун плёнкалардан фойдаланиш катта ёрдам беради. Диапозитивларни ўқитувчининг ўзи компьютердан ёки принтер учун махсус варақлардан фойдаланиб тез ва осон тайёрлаши мумкин. Диапозитивлар барча ўқитувчилар томонидан яхши кўриладиган катта ўлчамдаги тасвирларни ҳосил қилиш имконини беради, лекин фойдаланганда синф хоналари қоронғилаштирилиши керак бўлади. Бу эса айрим ноқулайликларни келтириб чиқаради. Агар эпидиаскоп бўлса,

экранга шаффоф бўлмаган тасвирларни ҳам проекциялаш мумкин. Бунда китоб ва журналлардаги расмлардан ҳам фойдаланса бўлади. Ҳозирги кунда замонавий мультимедиавий видеопроекторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар тасвирни бевосита компьютердан катта экранга проекциялашга имкон яратади.

Назариянинг амалиёт билан боғланиши. Ўқувчиларнинг информатикани билишларида асосий манба бўлиб амалиёт хизмат қилиши керак. Ушбу ҳолат ҳозирги жамиятда ҳар бир кишининг ҳаётида ЭҲМларни амалиётда қўллашларидан келиб чиқади. Шунинг билан бирга, назария ҳам амалиёт билан яқин алоқада бўлиб, ўз ўрнини топиши лозим. Чунки фақатгина амалий кўникмаларнинг ўзи назарий жиҳатдан ёритилмасдан, информатика билимлар тизимини ташкил эта олмайди. Ўқувчиларнинг дунёқарашини ривожлантириш, тафаккурини шакллантириш информатика ўқитишда амалиёт ва назарияни тўғри уйғунлаштириш, информатика тарихи бўйича маълумотларнинг қизиқарли киритиш, назария ва амалиётнинг бирлигини таъминлаш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Фаоллик. Информатика бўйича катта ҳажмли, мураккаб ва ҳар хил материаллар ўқувчилар томонидан онгли равишда ўзлаштирилиши мумкин. Шунинг ёдда тутиш лозимки, ўқитувчи томонидан берилаётган ўқув ахбороти ўқувчининг ҳақиқий билимига айланади, агарда у ҳеч бўлмаганда ўқувчилар томонидан қабул қилинса, уларга тушарли бўлса ва ўқувчилар берилаётган ахборотни фойдали деб баҳоласалар. Ўқитувчи билимларни танбеҳ ҳолда бермаслиги, балки ўқувчиларни ўзларининг фаол яхлит иш фаолияти жараёнида билимлар тизимини шакллантиришга эришиш лозим. Фақатгина ўқувчиларнинг фаол, мустақил ишлари мавжуд бўлгандагина, биз ташаббускор кишиларни тарбиялай оламиз. Бунга эришиш учун ўқитувчи ўқувчилар билан ишлашнинг фаол (интерактив) шакл ва усуллардан фойдаланиши лозим.

Билимларни мустаҳкам ўзлаштириш. Билимларни мустаҳкам ўзлаштириш жараёни жуда мураккабдир. Шу сабабли ўқитувчиларга қисқа тезис шаклидаги тавсиялар бериш билан чекланамиз:

1. Замонавий ўқитишда тафаккур хотирага нисбатан юқоридир.
2. Ўқувчилар онгли равишда ўзлаштирган билимларинигина эслаб қолишлари керак.
3. Янги билимларни ўрганишга киришишдан олдин, ўқувчиларнинг ижобий мативлар ва стимуллар билан таъминлаш лозим.
4. Ўтганларни такрорлаш ва мустаҳкамлашни шундай ташкил қилиш керакки, бунда ўқувчиларнинг фақатгина хотирасини фаоллаштирибгина қолмасдан, балки уларнинг тафаккурини ва ҳис туйғуларини ҳам фаоллаштириш лозим.

II. «Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва улардан информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда фойдаланиш» мавзуси таълим технологияси.

Мавзу: Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва улардан информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда фойдаланиш.

<i>Вақт – 2 соат</i>	Талабалар сони: 30-35 нафар
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Ахборотли маъруза
<i>Маъруза машғулотининг режаси (Укув жараёнининг мазмуни)</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Дидактиканинг предмети ва вазифалари. 2. Таълим жараёнида дидактик принциплар муаммоси. 3. Дидактиканинг асосий категориялари. 4. Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари. 5. Информатикани ўқитишда дидактик тамойиллар.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва улардан информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда фойдаланиш хусусидаги билимларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> <ul style="list-style-type: none"> - Дидактиканинг предмети ва вазифаларини тушунтириб бериш. - Таълим жараёнида дидактик принциплар муаммоси тушунчасини очиб бериш; - Дидактиканинг асосий категорияларини баён қилиш. - Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари очиб бериш. - Информатикани ўқитишда дидактик тамойилларни тушунтириш. 	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> <i>Талаба:</i> <ul style="list-style-type: none"> - Дидактиканинг предмети ва вазифаларини тушунади; - Таълим жараёнида дидактик принциплар муаммосини англайди; - Дидактиканинг асосий категорияларини урганади. - Ўқитишнинг асосий дидактик тамойилларини тушуниб етади. - Информатикани ўқитишда дидактик тамойилларини англайди.
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Схемалар орқали кўргазмалар маъруза, график органайзерлар техникаси (концептуал жадвал)
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Техник жиҳозланган аудитория, гуруҳда ишлаш бўйича шарт-шароитлар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, жамоавий ишлаш, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Маъруза ва визуал материаллар, компьютер технологиялари
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: блиц-сўров

Ишнинг босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабаларнинг
1-босқич Ўқув машғулотиغا кириш (5 минут)	1.1. Маъруза машғулотининг номини эълон қилади. Асосий масалаларни ва терминларни изоҳлайди, ўқув машғулотининг мақсади ва режалаштирилган ўқув натижалар билан таништиради.	Эшитадилар ЎУМ – ни кўрадилар
2-босқич Асосий (65 - минут)	2.1. Ушбу машғулотда нималар ҳақида фикр боради - деган саволга жавоб топишни таклиф этади. 2.2. Ўқув мавзунинг мазмунини режа асосида ёритиб беради. Органайзерларни экранга чиқариб тушунтиради. 2.3. Гуруҳни 3 та кичик гуруҳларга бўлади. Концептуал жадвални тўлдириш қондасини тушунтиради (3-илова). Даставвал мустақил алоҳида ва кейинчалик гуруҳда дидактика принципприга тегишли концептуал жадвални тўлдириш бўйича топширик беради. Гуруҳларда ишни ташкил этади. 2.4. Олинган натижаларни презентациясини бошлашни эълон қилади. Презентация жараёнида ҳар бир гуруҳ бажарган ишни талабалар билан муҳокама қилади, уни баҳолаб беради ва тўлдириб боради. 2.5. Концептуал жадвалнинг тўлдирилган якуний вариантини дафтарга кўчиришни таклиф этади.	Маъруза матнида белгилар кўядилар. Аввал якка тартибда кейин-чалик гуруҳда таҳ-лил асосида умумий концептуал жадвални тузади-лар. Гуруҳ сардорлари презентацияни намойиш қиладилар, қолган талабалар муҳокамада қатнашадилар. Тайёр концептуал жадвални дафтарга кўчирадилар.
3-босқич Якуний (10-минут)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар чиқаради, уни умумлаштиради, таянч ибораларга эътиборни қаратади. 3.2. Ишни баҳолайди: Гуруҳлардаги фаолларни ва пассив талабаларни таъкидлайди. Гуруҳда ишлаш бўйича тавсияларни беради. 3.3. Мустақил иш бўйича топшириқлар беради: ўз-ўзини текшириш бўйича саволларга жавоб тайёрлаш (4-илова), кейинги мавзунини ўқиб келиш.	Топшириқларни ёзиб оладилар

МАЪРУЗАНИНГ ЎҚУВ-ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАРИ

Дидактика – грекча didaskien сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўргатаман маъноларини англатади. Шунга кўра дидактика – таълим усуллари деган маънони билдириб, яъни ўқитиш демакдир. У ўқитиш назариясидир. Дидактика ўқитиш жараёнининг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади.

Дидактиканинг предмети – таълим-тарбия муассасаси шароитда ўқитувчининг раҳбарлиги остида амалга ошадиган ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, ҳар хил типдаги таълим-тарбия муассасаларида у ёки бу даражада бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

Дидактика - педагогиканинг таълим ва ўқитиш назариясини ишлаб чиқадиган тармоғидир.

Дидактиканинг ўрганиш объекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шакллари дир.

А. Коменский дидактик принциплар тизимида куйидаги принципларни киритган:

- таълимда онглилик ва фаоллик;
- таълимда системалилик;
- таълимда табиий мослик;
- таълимда пухта ўқитиш;
- таълимда кетма-кетлик;
- ўқитишда кургазмалилик;
- ўқитишда тақлид қилиш.

А.П.Пинкевич яратган дидактик принциплар:

- таълимнинг ҳаёт билан боғлиқлиги;
- ўқув жараёнининг ижодий тусда бўлиши;
- таълимда мустақиллик

Е.М.Мединский қуйидаги таълим принциплари мажмуасини илгари сурган:

- таълимда тизимлилик;
- таълимда онглилик;
- таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги;
- таълимнинг тарбияловчилиги;
- таълимда ўқитувчининг етакчилик роли;
- таълимда техника принципи.

С.М.Михайлов куйидаги таълим принциплари тизимини таълим жараёнининг асосий дидактик принциплари деб таъкидлаган:

- таълимда кўргазмалилик принципи;
- таълимда тарихийлик принципи;
- таълимда ўрганиш принципи;
- ўрганилаётган объектни бошқа объектлар билан алоқасини ўрнатиш принципи;
- объектлар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш принципи.

С.Ражабов, А.Мунавваров, И.Турсунов, О.Розиқовлар куйидаги таълим принциплари асосий деб таъкидлайдилар:

- таълимда илмийлик принципи,
- таълим ва тарбиянинг алоқадорлиги принципи,
- таълимда тизимлилик принципи,
- кўргазмалилик, таълимда мослик, назарияни амалиёт билан боғлиқлиги принципи,
- таълимда пухта ўзлаштириш принципи,
- онглилик принципи,

Ўқитиш жараёнида ишни режалаштиришда куйидаги усуллардан фойдаланилади:

- ўқитиш мазмунининг қўйилган вазифаларини энг муваффақиятли ҳал қилиниши таъминлайдиган оптимал вариантини танлаш;
- ўқитишнинг қўйилган вазифаларини белгиланган вақт ичида муваффақиятли ҳал қилиниши таъминлайдиган методлари ва воситаларини танлаш;
- масалаларни муваффақиятли ҳал қилиниши, шу жумладан ўқувчиларга табақли ёндашишни таъминлайдиган ташкилий шакллари танлаш.

"Ўқув жараёни" тушунчаси таълимнинг барча компонентларини ўқитиш ва унда фойдаланиладиган воситаларни ҳам, муайян вазифаларни ҳал қилиш учун таълимнинг методларини ҳам, уйда мустақил ишлайдиган ўқувчини ҳам, ўқув жараёнини кўргазмали ва техник воситалар билан жиҳозлашни ўз ичига олади.

Шунинг натижасида таълимнинг куйидаги қонуниятлари ёритилади:

- Таълим жараёни қонуний равишда ижтимоий жараёнлардан ва жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан;
- Таълим жараёни яхлит педагогик жараёнга кирадиган ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш жараёнлари билан қонуний равишда боғлиқдир;
- Таълим қонуний равишда таълим олувчиларнинг ақиқий ўқув имкониятларига боғлиқдир;
- Таълим қонуний равишда ўзи амалга ошириладиган ташқи шароитларига боғлиқдир;
- Ўқитиш ва ўқиш жараёнлари яхлит таълим жараёнларида қонуний равишда ўзаро боғлиқдир;
- Ўқув фаолиятини кучайтириш, ташкил этиш ва назорат қилиш қонуний равишда таълимнинг вазифалари ва мазмунига боғлиқдир;
- Таълимнинг ташкилий шакллари қонуний равишда унинг вазифаларига, мазмуни ва методларига боғлиқдир;
- Тегишли шароитларда ўқув жараёнининг барча компонентларининг қонуний равишда ўзаро боғланиши таълимнинг пухта анланган ва амалий натижаларни таъминлайди.

Дидактиканинг принциплари - комил инсонни тарбиялашда ўқиш ва ўқитиш жараёнининг хусусиятлари, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, эгалланиши лозим деб топилган малака ва кўникмаларни ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади. Шу билан бирга дидактика принциплари ҳар иккала фаолиятни, яъни ўқитувчи ва ўқувчи томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради.

Илмийлик. Илмийлик ўрганилаётган масалаларни юзаки қараш ёки унга оид маълумотлар сони билан эмас, балки масаланинг моҳиятига чуқур кириб бориш билан белгиланади. Ўқувчиларга етказилаётган барча билимлар, маълумотлар тўғри бўлиб, замонавий фан назариясига мувофиқ келиши лозим.

Системали ва изчил баён қилиши. Мавзунини илмий баён қилиш масаласи билан узвий боғлиқликда турган масала – бу мавзунини системали ва изчил баён қилишдир. Информатика ўқув предмети бир-бирига боғлиқ бўлмаган фактлар ва таърифлар йиғиндисидан эмас, балки ўқувчилар олдига аниқ кетма-кетликда очиб бериладиган билимлар мажмуасидан иборат бўлиши лозим.

Тушунарлилик. Тушунарлилик тамойили кўп йиллик ўқитиш амалиёти томонидан ишлаб чиқилган талаблардан келиб чиқади. Ҳар хил илмий материални баён қилишда ўқувчининг ёши, ривожланиши ва мавжуд вақт бюджети қатъий ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчига таълимнинг ҳар бир босқичда шундай ва шунга ўхшаган материал берилиши керакки, у ўзининг ривожланиши даражасига кўра ушбу материални қамраб олиши ва ўзлаштириши мумкин бўлсин. Ҳар бир босқичдаги саволлар доираси қатъий чегараланган бўлиши шарт.

Кўргазмалилик. Кўргазмалилик тамойили бошқа фанларни ўқитишдаги каби, информатикани ўқитиш жараёнида ҳам асосий ва муҳим ҳисобланади. Ушбу тамойил қадим замонлардан бери қўлланиб келинаётган машҳур ўқитиш тамойилларидан


Назариянинг амалиёт билан боғланиши. Ўқувчиларнинг информатикани билишларида асосий манба бўлиб амалиёт хизмат қилиши керак. Ушбу ҳолат ҳозирги жамиятда ҳар бир кишининг ҳаётида ЭҲМларни амалиётда қўллашларидан келиб чиқади. Шунинг билан бирга, назария ҳам амалиёт билан яқин алоқада бўлиб, ўз ўрнини топиши лозим. Чунки фақатгина амалий кўникмаларнинг ўзи назарий жиҳатдан ёритилмасдан, информатика билимлар тизимини ташкил эта олмайди. Ўқувчиларнинг дунёқарашини ривожлантириш, тафаккурини шакллантириш информатика ўқитишда амалиёт ва назарияни тўғри уйғунлаштириш, информатика тарихи бўйича маълумотларнинг қизиқарли киритиш, назария ва амалиётнинг бирлигини таъминлаш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Фаоллик. Информатика бўйича катта ҳажмли, мураккаб ва ҳар хил материаллар ўқувчилар томонидан онгли равишда ўзлаштирилиши мумкин. Шунинг учун тутиш лозимки, ўқитувчи томонидан берилаётган ўқув ахбороти ўқувчининг ҳақиқий билимига айланади, агарда у ҳеч бўлмаганда ўқувчилар томонидан қабул қилинса, уларга тушинарли бўлса ва ўқувчилар берилаётган ахборотни фойдали деб баҳоласалар. Ўқитувчи билимларни танбеҳ ҳолда бермаслиги, балки ўқувчиларни ўзларининг фаол яхлит иш фаолияти жараёнида билимлар тизимини шакллантиришга эришиш лозим. Фақатгина ўқувчиларнинг фаол, мустақил ишлари мавжуд бўлгандагина, биз ташаббускор кишиларни тарбиялай оламиз. Бунга эришиш учун ўқитувчи ўқувчилар билан ишлашнинг фаол (интерактив) шакл ва усуллардан фойдаланиши лозим.

Билимларни мустаҳкам ўзлаштириш. Билимларни мустаҳкам ўзлаштириш жараёни жуда мураккабдир. Шу сабабли ўқитувчиларга қисқа тезис шаклидаги тавсиялар бериш билан чекланамиз:

1. Замонавий ўқитишда тафаккур хотирага нисбатан юқоридир.
2. Ўқувчилар онгли равишда ўзлаштирган билимларинигина эслаб қолишлари керак.
3. Янги билимларни ўрганишга киришишдан олдин, ўқувчиларнинг ижобий мативлар ва стимуллар билан таъминлаш лозим.
4. Ўтганларни такрорлаш ва мустаҳкамлашни шундай ташкил қилиш керакки, бунда ўқувчиларнинг фақатгина хотирасини фаоллаштирибгина қолмасдан, балки уларнинг тафаккурини ва ҳис туйғуларини ҳам фаоллаштириш лозим.

2-илова.



Дидактик принциплар концептуал жадвални тўлдириш

Дидактик принциплар	ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ			
	Таркибига жараёнларни олади	Вазифаси	Кайси жараёндан кейин келади	Нималардан тузилганлиги

Назорат саволлари

1. “Дидактика” тушунчасининг маъноси
2. Ўзбек алломалари томонидан ишлаб чиқилган ўқитиш методлари таснифининг моҳияти
3. Мутахассис олимлар томонидан киритилган таълим принциплари
4. А. Коменскийнинг дидактик таълимоти
5. Дидакшунос олимлар С. Ражабов, А. Мунаваров, И. Турсунов, О. Розиковларнинг томонидан асосий деб эътироф этилган таълим принциплари
6. Ўқитишнинг оптималлик мезонлари
7. Таълим мазмунига қўйиладиган муҳим қоидалар

Хулоса

Мен ушбу «Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва улардан информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда фойдаланиш» мавзудаги курс ишимда ушбу мавзунини қуйидаги режа асосида ёритдим:

1. Дидактиканинг предмети ва вазифалари.
2. Таълим жараёнида дидактик принциплар муаммоси.
3. Дидактиканинг асосий категориялари.
4. Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари.
5. Информатикани ўқитишда дидактик тамойиллар.

Курс ишининг амалий қисмида «Ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва улардан информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда фойдаланиш» мавзуси таълим технологиясини ишлаб чиқдим.

Таълим технологиясида маърузамда лозим бўлган қурғазмаларни материалларни «Маърузанинг ўқув-визуал материаллари» қисмида келтирдим. Маърузада Концептуал жадвал методидан фойдаландим ва унинг қоидасини келтириб ўтдим.

Foydalanilgan adabiyotlar
O'zbekiston respublikasi prezidenti asarlari

1. I.Karimov. Barkamol avlod orzusi. 'O'zbekiston milliy ensiklopediyasi' davlat ilmiy nashriyoti, Toshkent 2000 y.
2. I.Karimov. Bizdan ozod va obod Vatan qolsin. 2–tom, 'O'zbekiston'. -1996 y.
3. I.Karimov. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. 3-tom, 'O'zbekiston'. -1996 y.
4. I.Karimov. Bunyodkorlik yo'lidan. 4-tom, 'O'zbekiston',-1996 y.
5. I.Karimov. Yangicha fikrlash va ishlash – davr talabi. 5-tom, "O'zbekiston", -1997y.
6. I.Karimov. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: havfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. 'O'zbekiston', -1997 y.
7. I.Karimov. O'zbekiston iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish yo'lida. –T.: -1995.

Asosiy adabiyotlar

1. Q.T.Olimov va boshqalar. Mutaxassislik fanlarini o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. Toshkent, "Fan" – 2009. 172 b.
2. Avliyoqulov N.X., Musaeva N.N. Pedagogik texnologiyalar. Toshkent: Fan va va texnologiya. 162 b.
3. Rashidov X. va boshqalar. "Kasbiy pedagogika" blokini o'qitish metodikasi. Toshkent: O'MKHTTKMO va UQTI, 2007. 200 b.
4. Ziyomuhammadov B., AbdullaevaSh., «Ilg'or pedagogik texnologiyalari». T.: Abu Ali Ibn Sino, 2001. – 80 b.
5. Xodjiev M.T., Olimov Q. T. Elektron darsliklarni yaratish texnologiyasi va sifatini baholash metodikasi.-Toshkent: Fan,2005.- 73 b.
6. Nikandrov N.D. Problemnoe obuchenie // Vospitanie shkolnikov.-Moskva, 1983.-№12.-S. 13-14.
7. Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardaev A. Ta'limda innovastion texnologiyalar. Toshkent. 2008. 181 b.
8. Barbolin M.I. Metodologicheskie osnovy razvivayushchego obucheniya. M.: Vysshaya shkola, 1991. – 230 s.
9. Pedagogika: pedagogicheskie teorii, sistemu texnologii. Pod.red. V.Smirnova, M.:Izdatelskiy stentr «Akademiya»,1999-544 s.
10. Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardaev A. Ta'limda innovastion texnologiyalar. Toshkent. 2008. 181 b.
11. Selevko G.K. Sovremennye obrazovatelnye texnologii.-M.: Narodnoe obrazovanie, 1998. – 256 s.
12. Pedagogika: pedagogicheskie teorii, sistemu texnologii. Pod. red. Smirnova, M.:Izdatelskiy stentr «Akademiya»,1999-544 s.
13. Novie pedagogicheskie i informastionnie texnologii v sisteme obrazovaniya: ucheb. posobie dlya stud. vuzov E. S. Polat i drugie.. - 3-e izd.. ispr. i dop. - M. : Izd. stentr 'Akademiya', 2008
14. Borodina I.V., Samoylova E.S. Modulnie texnologii v professionalnom obrazovanii. Uchebnoe posobie.- Ekaterinburg. 1998.
15. Faberman B.L. Sostavlenie pedagogicheskix testov. Toshkent. 2000
16. Novie pedagogicheskie i informastionnie texnologii v sisteme obrazovaniya: ucheb. posobie dlya stud. vuzov E. S. Polat i drugie.. - 3-e izd.. ispr. i dop. - M. : Izd. stentr 'Akademiya', 2008
17. Sovremennie metodi prepodavaniya v vuzax : uchebno – metod. posobie. - T.: M-vo vissh. i sred. spest. obrazovaniya. In-t problem vissh. i sred. spest. shkoli. 2001 - 142 s.
18. Yuldashev U.K., Zakirova.F.M. Metodika prepodavaniya informatiki.-G.: TDPU, 2005.
19. Yuldashev U.K., Bokiev P.P., Zakirova. F.M. Informatika o'qitish metodikasi. O'quv-metodik qo'llanma. T.:Alokachi. 2004.
20. Metodika prepodavaniya informatiki, (www-vspu.ac.ru/invv/mpi/mpi- uch.htm).
21. Metodicheskaya kopilka uchitelya informatiki (http://www.meiod- kopilka.ru/)

Internet saytlar

<http://elkutubhona.narod.uz>, www.tuii.uz

www.ziyonet.uz, www.multiinedia.com

www.ziyonet.uz, www.informika.ru, www.bilim.uz